ТЎЛИҚ ФРАЗЕОЛОГИК ЭКВИВАЛЕНТЛИК

Қорабоев Жасурбек Боходирович

Андижон давлат Педагогика институти, ф.ф.ф.д(PhD)доцент

Аннотация

Мақола тилшуносликда фразеологик бирликнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб унда инглиз ва ўзбек тилларида фразеологик бирликнинг ўрни ҳамда ахборот етказишдаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар

Фразеологик бирлик, эквивалентлик, экспрессив, когнитив, эмосема.

ПОЛНАЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКАЯ ЭКВИВАЛЕНТНОСТЬ

Карабоев Жасурбек Боходирович

Андижанскаий Педагогический институт, кандидат филологических наук (PhD) доцент

Аннотация

Статья посвящена анализу уникальных особенностей фразеологизма в лингвистике, выделены место и роль фразеологизма в английском и узбекском языках, их роль в передаче информации и их стилистические особенности.

Ключевые слова

Фразеологизм, эквивалентность, экспрессивная, когнитивная, эмосема.

COMPLETE PHRASEOLOGICAL EQUIVALENCE

Karaboev Jasurbek Bohodirovich Andijan state

Pedagogical Institute, Candidate of Philological Sciences (PhD) Associate Professor

Abstract

The article is devoted to the analysis of the unique features of the phraseological unit in linguistics, the place and role of the phraseological unit in English and Uzbek languages and their role in conveying information and their stylistic features are highlighted.

Key words

Phraseological unit, equivalence, expressive, cognitive, emoseme.

Э.Солодухо фикрича тўлиқ эквивалентлар бу айрим ҳолларда фразеологик бирликнинг кўп маънолиги асосидаги маъноси ва стилистик йўналганлиги билан ўхшаш бўлган фразеологик бирикмалардир[Солодухо 1982]. Е.Ф.Арсентьева тўлиқ эквивалентлик остида фразеологик бирликнинг ифода ва мазмун кўламларидаги айнан ўхшашликни тушунади [Арсентева 1993]. Бунда инглиз ва ўзбек тилларида муболаға асосига қурилган фразеологик бирликмалар эквивалентлиги деганда сигнификатив-денотатив ва маъно микрокомпонентлари коннотацияси, грамматик структураси ва таркибий тузилишига кўра тўлиқ мос келувчи фразеологик бирикмаларни тушунамиз. Муболағалашган фразеологик бирикмаларнинг эквивалентлигида маънонинг сигнификатив-денотатив компонентлари борасидаги ўхшашлик улар мазмунидаги муболағалаш абстракциясини сақланиши тушунилади.

Фразеологик бирикмаларнинг нутқий қўлланилишида эмотив компонентнинг ўзаро мос келиши, улар ўртасидаги ўхшаш ёки фарқли эмосемаларнинг мавжуд бўлишига асос бўлади. Қиёсланаётган тилларда фразеологик бирикмаларнинг экспрессив компонентларида муқобиллик ёки фарқли жиҳат бўлиши, иккала тилдаги бирикмалар мазмунида интенсема ёки сема маъноси мавжуд эмаслигини кўрсатади. Ўхшаш компонентли тузилиш бирикма таркибида айнан бир хил лексема ва структура бўлишини талаб қилади.

Қуйида инглиз ва ўзбек тилларида муболағалашган фразеологик бирликларнинг тўлиқ эквивалентлигига мисоллар келтирамиз:*break somebody's heart* – кимнингдик юрагини синдирмоқ (тилка-пора қилмоқ); *build one's house upon the sand* – қумдан қаср қурмоқ; *hide one's head in the sand* – бошини қумга тиқиб олмоқ/яширмоқ/қулоғини буркаб олмоқ; *in the twinlking of an eye* – кўз очиб юмгунча; *praise somebody to the skies* – кимнидир кўкларга чиқариб мақтамоқ; *remove mountains* – тоғни талқон қилмоқ; *skin and bones* – ети/териси суягига ёпишмоқ; *between a rock and a hard place*- икки тош орасида бўлмоқ.

Қуйидаги мисолларда инглиз ва ўзбек тилларида муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирикларнинг тўлиқ фразеологик эквивалентлиги ҳодисасини кенгроқ кўриб чиқамиз: Масалан, *skin and bone – териси суягига ёпишмоқ*. Улар компонентлар лексик маънолари айнан бир хил. Фразеологик бирликларнинг грамматик таркибий тузилиши ҳам, иккала фразеологик бирликлар сўзлашув услубига хос ва экспрессив ҳисобланиши; интенсивлик семаси **"***жуда озғин одам"* мавжудлиги ҳам айнан ўхшаш. Таркибий тузилиши "**n+conj+n"** шаклида тузилганлиги ҳам айнан бир хил. Бундан ушбу фразеологик бирликлар **тўлиқ эквивалент** деган хулосага келишимиз мумкин.

Бу ҳолатни "*to break somebody's heart – бировнинг юрагини синдирмоқ/кимнингдир кўнглини синдирмоқ*" фразеологик бирикмасида яққол ҳам кўришимиз мумкин. Фразеологик бирликлар грамматик таркибий тузилиши бир хил "**v+(pr on)+n"** шаклда қурилган. Фразеологизмлар муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликлар асосига қурилганлиги, бир хил таркибий тузилишга эгалиги, сигнификатив-денотатив ва маъно макрокомпонентларининг нутқий қўлланилишида ҳам мутлақ ўхшашлик мавжуд.

Инглиз тилидаги "*to praise somebody to the skies*" фразеологик бирикма компонентларининг маъноси ўзбек тилидаги "*кимнидир осмонларга кўтариб мақтамоқ* ("лаганбардорлик

қилмоқ”)” билан мос тушади. Бундан ташқари, кўрсатилган ҳаракат белгисининг объектив ва бўрттирилган меъёрлари қиёсланаётган фразеологик бирликларнинг мазмунини шакллантиришда бирдек иштирок этади. Таққосланган фразеологик бирликларнинг таркибий элементларининг сўзма-сўз маъноларини мантиқий номувофиқлиги инглиз ва ўзбек тилларида ҳам муболағалашган семантикани ифодаловчи фразеологик бирликлар эффектини яратишга олиб келади. Ҳар иккала фразеологик бирликлар сўзлашув услубига хос ва экспрессив ҳисобланиб, интенсивлик семаси прототип тасвирининг семантик вазифасига боғлиқдир. Қиёсланаётган фразеологизмларнинг лексемалари бир-бирига мос тушади ва таркибий тузилиши ҳам ўхшаш шаклда “**v+(pron)+prep+n**” структурасида тузилган. Таркибида артиклнинг мавжудлиги инглиз фразеологик бирликларини ўзбек тилидаги эквивалентдан фарқлайди. Бироқ бу фарқ аҳамиятли ҳисобланмайди, зеро, артикллардан фойдаланиш инглиз тили грамматикасининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Ушбу фикрларга асосланадиган бўлсак ушбу фразеологизмлар бир-бирларига тўлиқ эквивалентлар ҳисобланади.

Тўлиқ эквивалентларнинг тиллараро қиёсланишини кенгроқ компонентли тузилишга эга бўлган бошқа фразеологик бирикмаларда кўриб чиқамиз.

Инглиз тилидаги “*to go to through fire and water*” ва ўзбек тилидаги “оғир синовлардан ўтмоқ” фразеологизмлари феълли бирикмалар синфига тегишли бўлиб, бир хил таркибий тузилишга ва нейтрал ситуатив баҳолаш семасига эгадир. Иккала фразеологик бирликларнинг грамматик тузилиши: “**v+prep+n+conj+n**” шаклида қурилган. Иккала фразеологизм муболағалашган фразеологик бирликлар устига қурилган: уларнинг асосида қайта ўйланган (фикрланган) ҳақиқат фрагменти ётади. Ҳар иккала фразеологик бирликлар нейтрал эмосемага эга бўлиб, улар бир хил эмас. Улар тилнинг экспрессив бирикмалари ҳисобланадилар ва ўз навбатида, ўзаро тўлиқ эквивалентлар ҳисобланадилар.

Ҳудди шундай ҳолатни “*to hide one’s head in the sand* - бошини қумга беркитмоқ” фразеологик бирликларининг таққосланишида ҳам кузатамиз. Бу икки тилдаги фразеологизмлар таркибий тузилишига кўра айнан бир хил: “**v+(pron)+n+prep+n”** шаклга эга. Инглиз тилидаги фразеологик бирликнинг грамматик шаклининг ўзига хос хусусиятлари ўзбек тилининг фразеологик бирлигидан миқдорий компоненти нисбати билан изоҳланади (контекстда эгалик олмоши шаклини оладиган гумон олмоши *one’s*нинг мавжудлиги ҳақида сўз юритамиз). Фразеологизмларнинг иккаласида ҳам салбий ҳисобланувчи эмосема мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида уларнинг тўлиқ эквивалентлигини ҳам кўрсатади.

Таққосланадиган фразеологик бирликларнинг семантик ёки стилистик тузилишида қисман номувофиқликлар кузатиладиган бўлса, улар қисман эквивалентлар гуруҳига тааллуқли бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авалиани Ю.Ю. К семантическим основам фразеологии специальных сфер / Ю.Ю. Авалиани, Л.И. Ройзензон // Выпуск 2. - Новгород: 1972.
2. Бабенко Л.Г. Функционально-семантический класс глаголов эмоциональной деятельности

/ Л.Г. Бабенко // Лексико-семантические группы современного русского языка: сб. науч. тр. - Новосибирск, 1985. - С. 41-48.
3. Байрамова Л.К. Введение в контрастивную лингвистику: Учеб.пособие для студентов вузов, обуч. по напр, и спец. «Лингвистика» / Л.К. Байрамова. - Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1994. - 119 с.
4. Балли Ш. Французская стилистика. - М.: Изд-во иностранной литературы, 1961.-394 с.
5. Колшанский Г.В. Контекстная семантика / Г.В. Колшанский. - М.: Наука,1980, ст- 148.
6. Кунин А. В. Основные понятия стилистики в области фразеологии / А.В. Кунин // Структура лингвостилистики и ее основные категории: сб. науч. тр. - Пермь, 1983. - С.44-49.
7. Кунин А.В. О фразеологической дефиниции / А.В. Кунин // Вопросы английской фразеологии (коммуникативный и фразеографический аспекты): Сб. науч. тр. - М., 1987. - Вып. 287. — С. 109-118.

Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.

8. Телия В.Н. Что такое фразеология / В.Н. Телия. - М.: Изд-во «Наука», 1966. Ст-85 с.
9. Умарходжаев М.И. Основы фразеографии: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – М, 1983. – 132 с.
10. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011.
11. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. /Н.Н. Амосова. - Ленинград, 1962. - 27 с.
12. Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1972.

WORDLY KNOWLEDGE